

КИМЁ СANOATИДАГИ ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИХАЛАР ИНВЕСТИЦИЯЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев кимё саноатидаги лойиҳалар ижроси ва тармоқни диверсификация қилиш бўйича режалар тақдимоти билан танишди.

Ислохотлар натижасида тармоқда бозор тамойиллари жорий этилиб, инвестицияларга кенг йўл очилди. Ишлаб чиқариш занжирини кенгайтириш учун Навоий, Фаргона, Қўнғиротда 3 та кимёвий кластер, Чирчиқ ва Жиззахда 2 та технопарк ташкил этилди. Қўқон суперфосфат заводи тўлиқ модернизация қилинди.

Сўнгги беш йилда 23 та янги корхона очилиб, 4 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди. Тармоққа халқаро брендлар кириб келди, кам тоннали маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Буларнинг самарасида кимё саноатида ишлаб чиқариш 1,5 баробар ўсди.

Тақдимотда мутасаддилар бу йилги ишлар ва режалар тўғрисида ҳисобот берди.

Қайд этилганидек, жорий йил биринчи чорақда тармоқда 181 миллион долларлик инвестиция ўзлаштирилган, 39 миллион долларлик 3 та лойиҳа ишга туширилган.

Энди иккинчи чорақда 170 миллион долларлик хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳисобидан “яшил” водород ва циан тузлари корхоналарини ишга тушириш режалаштирилган.

Рақамлаштириш жараёни давом эттирилиб, тармоқнинг ҳамкор соҳалар билан интеграцияси кенгайтирилди. Кимё заводларининг ятона газнаҳилик тизимида

қўшимча модуларлар очилади. “Ягона рақамли платформа” якунига етказилиб, корхоналарнинг 15 та иқтисодий кўрсаткичлари акс эттирилади.

Яна бир муҳим вазифа — энергия самардорлиқ. Энергияни тежаш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш орқали таннархни камайтириш зарурлиги таъкидланди.

Соҳада ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўплиги кўрсатиб ўтилди. Жадал ривожланиётган ички бозорда маҳсулотларга талаб ортипти. Жаҳон бозоридидаги нобарқарор шароит ҳам янги вазифалар қўймоқда.

Шу боис, тармоқни таркибий жиҳатдан ўзгартириш, маҳаллийлаштириш ва қўшилган қийматни ошириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Мутасаддиларга ҳозирги замон талаблари ва келгуси иқтисодий прогнозлар асосида кимё саноатини ривожлантириш бўйича янги дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бунда янги йўналишларни ўзлаштириш орқали тармоқни диверсификация қилиш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида аҳамият қаратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

ЎЗА

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА СОҲАСИ БОЗОР ТАЛАБЛАРИГА ТЕЗ МОСЛАШИШИ ЗАРУР

Президент Шавкат Мирзиёев 22 апрель куни электротехника соҳасида жорий йил биринчи чорақда қилинган ишлар ва навбатдаги вазифаларга оид тақдимот билан танишди.

Бу тармоқ мамлакатимиз саноатининг драйверларидан бири. Сўнгги етти йилда экспорт ҳажми 7 баробарга ўсган ва географияси 63 та давлатга етган. Ҳозирги кунда тармоқда 500 га яқин корхона бўлиб, уларда 27 мингдан зиёд юртдошимиз ишламоқда.

Ушбу салоҳиятни ошириш мақсадида шу йил 22 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электротехника саноатини ривожлантириш янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, инвестициялар ва хорижий брендларни жалб этиш, тажриба-конструкторлик ишларини ривожлантириш чоралари кўрилмоқда.

Жорий йил биринчи чорақда тармоқда ишлаб чиқариш ҳажми 7 триллион сўмдан ошган. Қарийб 310 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиниб, бу кўрсаткич 1,3 баробар ўсган.

Шу даврда 55 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилган. Шундан 48 миллион доллари тўғридан тўғри хорижий инвестиция ва кредитлардир.

Хорижий брендлар остида харидор-гир маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати 900 миллион долларга тенг лойиҳалар шакллантирилди. Айни пайтда техник жараёнларни

келишиш, зарур технологияларни йўлга қўйиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Тақдимотда иккинчи чорақка ва йил якунигача мўлжалланган асосий режалар ҳам айтиб ўтилди.

Жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажми 43 триллион сўмга етказиш, қарийб 5 триллион сўмлик маҳсулотларни маҳаллийлаштириш кўзда тутилган. Умумий қиймати 656 миллион долларлик 71 та лойиҳани амалга ошириб, 4 минг 600 та иш ўрни очил мўлжалланган. Экспорт миқдори 1 миллиард 700 миллион долларга, географияси 68 та мамлакатга етиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари дунёдаги иқтисодий тебранишлар шароитида электротехника саноатида ҳам ривожланиш траекториясини тўғри танлаб, бозор талабларига тез мослашиш муҳимлигини таъкидлади.

Маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар олиш, замонавий технологияларга муносиб малакали кадрлар тайёрлаш зарурлиги қайд этилди.

Мутасаддиларга тармоқдаги ҳар бир корхона билан ишлаб, саноат ва логистика занжирларида юзага келадиган масалаларни ҳал этиш, экспорт географиясини диверсификация қилиб, янги бозорлар топиш бўйича топиширлар берилди.

ЎЗА

ТУРКМАН ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ ЕТАКЧИСИ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФ БУЮРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов 23-24 апрель кунлари ташриф билан Самарқанд шаҳрида бўлади.

Бўлажак музокаралар кун тартибидан Ўзбекистон — Туркменистон стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни, энг аввало, снёсий, парламентлараро, савдо-иқтисодий, транспорт-

коммуникация ва маданий-гуманитар соҳаларда кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилади.

ЎЗА



АПРЕЛЬ ҚУВОНЧЛАРИ ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ, ЮКСАК МАҲОРАТ ВА МУСТАҲКАМ ИРОДА МЕВАСИ

Якшанба окшомида Саудия Арабистонининг Тоиф шаҳридаги “Подшоҳ Фаҳд” стадионида ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатининг финал баҳси олтидан дунёнинг етакчи спорт наشرлари турли баҳоратлар билан тўлиб-тошди. Машҳур блогерлару спорт тармоқлари турли тахминларни илгари суришдан чарчамади.

Қувонарлиси, улар бир овоздан U-17 термаиз имкониятларини юқори баҳолади. Манбаларнинг аксарияти ёшларимизни икки ойдан бери футбол оламида шов-шув кўтариб келаётган Абдуқодир Хусанов, қолаверса, Элдор Шомуродов ва Аббос Файзуллаевнинг муносиб давомчилари сифатида кўраётганини яширмади. Ҳатто таниқли спорт блогерларидан бири Осиё биринчилигига бағишланган постига “Ўзбеклар эгиз ўғил фарзандларига Ҳасан-Хусан исмларини қўяди. Абдуқодир Хусановдан ташқари ўзбекларда Ҳасановлар ҳам бор. Ҳасанов фамилияли юлдуз порлаш арафасида. Яқин йилларда эгизак бўлмаса-да, Ҳасанов ва

Хусановлар дунё футболлини ларзага солса, ажаб эмас”, деб қайд этди.

Бу каби битиклар бежиз ёзилмайди. Ёшлар термасининг ҳар бир аъзоси Саудия майдонларида қаҳрамонлик, матонат ва маҳорат намойиш қилди. Дастлабки учрашувданок рақибларини ер тишлага бошлаган жамоамиз то охиригача бирорта жамоа олдида саросимага тушмади. Таиланд термасини 4:1, Хитойни 2:1 ҳисобида мағлуб этган ўсмирларимиз гуруҳ босқичининг сўнгги турида Саудия Арабистонини 3:0 ҳисобида, чорак финалда эса БАА, ярим финалда КХДР терма жамоасини енгди.

Давоми 2-бетда

Орамиздаги одамлар

Матонат... Жасорат... Оғирликларни енгиб ўтиш... Ҳар қандай дамба куч топиш... Бу сўз ва жумлаларни кўп эшитгансиз. Баландровоз гапга ҳам ўхшаб кетади. Эшитаверсангиз, баъзан юракка таъсир ҳам этмай қолади. Бироқ Дилором Йўлдошеванинг ҳаёт ҳикояси ҳақида бундай деб бўлмайди.



ДИЛОРОМ ЙЎЛДОШЕВА — УЛУҒЛИК ВА МАТОНАТ СОҲИБАСИ

Қўлимда 2024 йил учун бутун дунё бўйлаб 100 та илҳомлантирувчи ва нуфузли аёллар рўйхати. Рўйхатга ўзбек аёли Дилором Йўлдошева ҳам киритилган ва бу бежиз эмас. У Сурхондарёнинг Олтинсойидан. Деновнинг Сурхондёр маҳалласига келин бўлиб тушди. Турмуш ўртоғи

Дилмурод Пардаев билан аҳил-иноқ яшади, фарзандлар кўрди. Бахтлари чексиз, оила шодлик бағрида, кўнглилари тонг баҳрида бўлган кўнларнинг бирида ҳеч қутилмаган фожиа рўй берди...

Давоми 5-бетда

2025 йил — Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили

“ЯШИЛ” ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОРТГА ҚАЙТМАС ҚАТЪИЙ ТАНЛОВИДИР

“Ўзбекистон иқтисодий тараққиётнинг ресурсларни тежайдиган ва экологик тоза моделига ўтишни бошлади. Бу борадаги энг муҳим йўналишлардан бири “яшил” энергетикадир. Яқин беш йилда қайта тикланадиган манбалардан олинадиган энергия улушини 54 фоизга етказишни мўлжаллаяпмиз. Бу атмосферага чиқарилаётган зарарли газлар миқдорини 16 миллион тоннага қисқартириш имконини беради”.

Президентимизнинг Самарқанд халқаро иқлим форумида айтган “яшил” энергия улушини 54 фоизга етказиш мақсади қанчалик катта марра бўлса, глобал иқлим муаммолари кундан кун зўрайиб бораётган бутунги мураккаб шароитда шунчалик ҳаётий зарурат ҳамдир. Энг муҳими, бу гаплар шунчаки даъват ёки чакирёқ эмас, балки янги Ўзбекистон танлаган ва ортга қайтмас тус олган “яшил” тараққиёт йўлидир.

Давлатимиз раҳбарининг Андижон вилоятига ташрифини кузатар эканман, беихтиёр ҳаёлимдан ўтган биринчи фикр шу бўлди. Нега дейсизми? Бу саволга ташриф харитасининг ўзиёқ жавоб бўла олади. Келинг, ташриф манзилларига яна бир қўр назар соламиз.

Давоми 3-бетда



Тўсиқларсиз ЭКСПОРТ

Миллий иқтисодиёт қанча барқарор ривожланса, давлат ва жамият тараққиёти, аҳоли турмуш даражаси шунча кўтарилиб бораверади. Бу иқтисодиёт ёки сиёсатдан узоқ бўлган исталган киши англай оладиган оддий ҳақиқат. Аммо ана шу иқтисодиётни ривожлантириш, глобал иқтисодий тебранишлар шароитида оёқда мустаҳкам тура олиш, нарх-наво доимий ўзгариб, кескин ошиб бораётган жаҳон савдо бозорида ўрин эгаллаш ҳеч бир давлат учун осон кечмаяпти. Ўзбекистон ана шу узилмас занжирнинг муҳим қисмига айланиш учун доимий равишда комплекс чора-тадбирлар кўраётгани боиси шунда.

Энди сифат сертификати ва халқаро стандартларни олиш янада осон бўлади

Бунда нафақат ўсиш кўрсаткичларига эришиш, балки дунё иқтисодий майдонидаги “об-ҳаво”га мослашиш, мураккаб масалаларга самарали ечимлар билан жавоб қайтариш долзарб бўлмоқда. Жорий йилнинг 18 апрель куни давлатимиз раҳбари раислигида дунёда юз бераётган иқтисодий тебранишларнинг мамлакатимиз соҳа ва тармоқларига таъсирини юмшатиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида айни шу масалалар

муҳокама қилинди. Йиғилишда Президентимиз ҳозир дунё аввалгидек эмаслиги, гап тариф ёки уларнинг миқдорида ҳам эмас, узоқ йиллар давомида давлатлар ўртасида барқарор муносабатлар ва ўзаро ишончни таъминлаган халқаро институтлар, улар ишлаб чиққан қоида ва нормалар бутун самарасиз бўлиб бораётганини қайд этди.

Давоми 4-бетда

ВОДИЙ ГАВҲАРИДА КЎЗ ОЧАЁТГАН БУЛОҚЛАР

ИСТИҚБОЛДА МАЪНАВИЙ ВА ЭСТЕТИК ЭҲТИЁЖНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Акмал НУР,
Ўзбекистон Бадий академияси раиси,
Ўзбекистон халқ рассоми, академик

Давлатимиз раҳбарининг Андижон вилоятига ташрифи доирасидаги учрашувлар ҳамда мулоқотларда биз — рассомлар ҳам иштирок этдик. Вилоят барча соҳада ислохотлар ижросига астойдил бел боғлаган, одамларнинг кундалик ҳаётига ижобий ўзгаришлар шиддат билан кириб бораётган ҳудудлардан бири эканига гувоҳ бўлдик. Бу биз, ижодкорларга ўзгача қувонч бағишлади.



Айни пайтда ушбу хайрли ишга тайёргарликни бошлаб юбордик.

Бу жуда тўғри. Чунки давлатимиз раҳбари айтганидек, ҳозиргача Бобур сиймосини



гавдалантиришда кўпроқ унинг миниатюрадаги кўринишларидан фойдаланиб келинган. Лекин Бобур бобомиз нафақат давлат арбоби, балки назм султони, ижодкор ҳам ахир. Шунинг учун бир-биридан йироқ ушбу икки сифатни бир инсон қиёфасида мужассамлаштириш қийин масала. Режалаштирилаётган ижодий сафар эса муаммага қайсидир маънода ечим топиш учун аини мудоао бўлади.

Яна бир жиҳатни айтмасам бўлмайди. Президентимиз Андижонда ҳар йили

рассомлар фестивалини ўтказиш, унинг доирасида энг яхши рассомлик ишлари учун автомобиль соврини таъсис этиш ташаббусини илгари сурди. Шу орқали юртимиздаги ижодкорлар, тасвирий санъат оламига кириб келаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, дунёқарабини кенгайтириш, санъатга шай-долитини ошириш мақсад қилинган. Бу биз учун жуда катта имконият. Чунки келгусида фестивални халқаро миқёсга олиб чиқишимиз мумкин. Бу эса, ўйлаيمанки, маънавият, маданият, санъатга ёндашувимизга янгича мазмун бағишлайди.

Бугун давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги ўрни ва аҳамиятини янада мустаҳкамлаш йўлида миллий тасвирий ва амалий санъатни ривожлантириш, бой мерос дурдоналарини сақлаш ва тарғиб этиш, юртимизнинг жаҳон маданий маконига фаол интеграциялашувини таъминлашга ҳам катта эътибор қаратмоқда.

Ўз олдига Учинчи Ренессанс ҳодисасини яратишдек катта мақсад қўйган янги Ўзбекистонда миллий тасвирий ва амалий санъатни ривожлантириш масаласига мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ажралмас қисми сифатида қаралапти. Бу биз — ижодкорларга халқаро жамоатчилик олдида миллийлигимиз, бадийий бойликларимиз, ижодий намуналаримиз, замонавий тасвирий ва амалий санъатда эришяётган ютуқларимизнинг бор ранг-баранглиги билан кўрсатиш имконини бермоқда.

ЖАРАЁН

АПРЕЛЬ ҚУВОНЧЛАРИ ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ, ЮКСАК МАҲОРАТ ВА МУСТАҲКАМ ИРОДА МЕВАСИ



Бошланиши 1-бетда

Драматик финал учрашуви хуштаги чалигунга қадар бошини бандан тутиб, мағрур ҳаракат қилган дилбандларимиз Осиё биринчилиги якунига кўра Осиё кубогидан ташқари якка тартибдаги совринларнинг учтасига эга чикди: Садриддин Ҳасанов турнининг энг яхши футболчиси, Неъматуллоҳ Рустамжонов энг яхши дарвозабон, Асилбек Алиев энг яхши тўпурар сифатида эътироф этилди.

— Турли мамлакатлардан келган ҳар бир жамоанинг ягона мақсади чемпионлиқни қўлга киритиш эди, — дейди Садриддин Ҳасанов. — Рақиб жамоаларда нуфузли клублар тарбияланувчилари ҳам бор. Мана шундай кучли жамоаларга қарши курашиб, ғалабага эришишимизда мураббийларимизнинг йўл-йўриги ва халқимизнинг ишончи, энг муҳими, юртимизда спортга қартилаётган эътибор натижасида юзага келган жамоавий бирлик ҳам қилувчи аҳамиятга эга бўлди деб ўйлайман.

Финал эса алоҳида мавзу. Юртимизнинг етакчи нашлаарида эълон қилинган туркум мақолаларнинг бирида ифтихор билан битилган бундай жумлаларни ўқидик ва бу барчамизнинг дилимиздаги гап эди: “Финал миллатнинг ори тикилган баҳс бўлди. Азалдан бошини тик тутиб, орини ҳимоя қилган миллат болалари аждодларга муносиб авлод эканини кўрсатди. Айни дамда янги

Ўзбекистонда ёш истеъодлар кучга тўлиб келаётганини яна бир карра дунё аҳлига эслатиб қўйди”.

— Саудия Арабистонида кечган бутун чемпионат бир бўлди, финалда йигитларимиз кўрсатган жасорат, янги Ўзбекистон ташқари якка тартибдаги совринларнинг тақдирини шаклланган жамоавий бирлик, таслим бўлмаслик, курашувчанлик ва натижада қитъада тенгсизлик, голиблик сурури бир бўлди, — дейди Ўзбекистон U-17 терма жамоаси бош мураббийси Исмоилбек Исмоилов. — Жамоамиз ушбу мусобақа доирасида ўз олдига қўйган, бутун Ўзбекистонликлар кутган мақсадга эришди. Бу ғалаба замирида жуда кўпчиликнинг меҳнати ётибди. Аввало, Президентимиз спортга, жумладан, футболга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлаш ни истардим.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот қотиби Шерзод Асодов ҳам ўзининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифасида “Президентимиз спортчиларнинг ютуқларини эътибор билан кузатиб борапти”, деган хабар қолдирди. Унда келтирилишича, апрель ойида юртимизнинг спортдаги муваффақиятлари футбол билангина чекланиб қолмади. Ҳусусан, хоккей бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам халқаро майдонда ажойиб натижа кўрсатди.

Арманистонда ўтказилган жаҳон чемпионатида хоккейчиларимиз ўз дивизионда голиб бўлиб, келгуси мавсумда учинчи дивизионда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Март ойида Таиландда 18 ёшгача бўлган хоккейчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ҳам терма жамоамиз ғалаба қозонган эди.

Саудия Арабистонида ўтказилган, 18 ёшгача бўлган спортчилар ўртасидаги енгил атлетика бўйича Осиё чемпионатида юртдошларимиз 12 та — 3 та олтин, 5 та кумуш ва 4 та бронза медалини қўлга киритиб, ўз тарихида биринчи марта умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

Президент матбуот қотибининг маълум қилишича, давлатимиз раҳбари спортчилар ютуқларини алоҳида қизиқиш ва эътибор билан кузатиб борапти. “Бу ютуқлар, энг аввало, йигит-қизларимизнинг тинимсиз меҳнати, юксак маҳорати, мустаҳкам иродаси ва матонати тўғрисида. Бунда спорт соҳасига қартилаётган эътибор ва тизимли давлат сиёсатининг ҳам алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш жоиз. Мамлакатимизда спорт инфратузилмаси сезиларли даражада яхшиланди, янги мактаблар очилмоқда, спортчиларнинг профессионал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилмоқда”, дейилади ижтимоий тармоқдаги саҳифада.

Дарҳақиқат, юртимиз аҳолисининг соғлом турмуш тарзига амал қилиши, халқимиз, хусусан, ёшларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланиб, жисмоний баркамолликка эришиши учун барча имкониятлар ишга солинапти, шароитлар яратиб берилляпти. Спортда озим-кўпим ютуқ ва натижаларга эришганлар эътироф этилиб, муносиб тақдирланыпти.

Давлатимиз раҳбарининг футбол бўйича ўн етти ёшгача бўлган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига йўллаган табриги мазмунинда ҳам юқоридagi фикрлар исботини кўриш мумкин. “Мамлакатимизда спортга, жумладан, футбол ривожига берилаётган юксак эътиборнинг яна бир амалий натижаси бўлган мана шундай тарихий ғалаба учун сизларга, сизларни тарбиялаб вояга етказган ота-наларингиз ва устоз-мураббийларингизга чин дилдан самимий миннатдорлик билдираман”, дейилади табрикда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда футбол фақатгина спорт тури эмас, балки бутун жамиятнинг бирлаштирадиган, ёш авлодини тарбиялайдиган, миллат ифтихорини намоён этувчи юксак қадриятга айланиб бормоқда. Сўнгги йилларда юртимизда спортнинг барча турларини ривожлантириш бўйича ислохотлар, қабул қилинаётган муҳим қарорлар, замонавий инфратузилма яратилиши ушбу қадриятнинг амалий ифодасидир.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЎЗАРО ИШОНЧГА ТАЯНГАН ҲАМКОРЛИК САМАРҚАНДДА ИҚЛИМ ТАРАФДОРЛАРИНИ БИРЛАШТИРДИ

Абдуғаффор ЖЎРАЕВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Кенг глобал иштирок, хайрихоҳ дипломатик ташқи сиёсат тўғрисида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи янада юксалмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан соҳаларга татбиқ этилаётган демократик янгиланишлар ва очик сиёсат дунё ҳамжамиятининг эътиборини тортяпти. Бу эса юртимизнинг барқарор ривожланиши ва хорижий давлатлар билан интеграциялашувида муҳим омил бўлаёттир.



Яқинда Самарқандда ўтказилган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити ўзига хос ҳамкорлик платформасини яратиб, 27 давлатни, жумладан, “Катта еттилик”га аъзо уч йирик мамлакат (Германия, Франция ва Италия)ни бирлаштирган катта интеграцион тузилмага асос солди. Минтақаимизнинг Европа Иттифоқи билан бундай ҳамкорлиги нафақат иқтисодиёт ёки инвестиция, балки хавфсизлик масалалари, рақамли трансформациягача бўлган соҳаларни қамраб олди ҳамда узоқ муддатли стратегик мақсадлар қўзлангани билан муҳим аҳамият касб этди.

Дарҳақиқат, бу иқтисодий ҳамкорликдан ижобий натижалар кутилмоқда. Чунки ўтган йили Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи давлатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 6,4 миллиард долларни ташкил этган. Бугун мамлакатимизда Европа сармоясини иштирокчида мингдан ортиқ корхона фаолият юритмоқда. Инвестиция лойиҳаларни қиймати 30 миллиард еврога етган. Бу йилги саммит доирасида Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзолангани савдо-сармоа алоқаларининг янада кенгайишига хизмат қилади.

Саммитда келишилган муҳим масалалардан яна бири Марказий Осиё давлатлари иштирокчида Каспий ва Қора денгиз орқали Европача “яшил стратегик йўлак” барпо этиш лойиҳаси бўлди. Бу лойиҳа ўзроқ манфаатли энергетик боғлиқлиқнинг мустаҳкам асосини яратяпти.

Қайта тикланувчи энергия манбалари йўналишида ҳамкорлик қилишга келишиб олинган водород ва аммиак сингари моддаларнинг “яшил” ёқилғи, шунингдек, биоеклогик ишлаб чиқариш ва қазилма ёқилғи ўрнига улардан фойдаланиш бўйича кенг

имкониятлар эшигини очади. Жумладан, “яшил” энергетика ва иқлим соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш Марказий Осиёда “углерод кредитлари” бозорини ривожлантиришга ёрдам беради. Экологик тоза технологияларга инвестицияларни жалб этиш углерод квоталари савдосида халқаро ҳамкорлик платформасига йўл очади.

Мисол учун, давлатимиз мавжуд 14 та янги куёш ва шамол электр станциясига қўшимча умумий қуввати 24 минг мегаватт бўлган 50 дан ортиқ шундай лойиҳани амалга оширишни режалаштирмоқда.

Кейинги беш йилда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 54 фоизга етказиш, иссиқхона гази чиқишини қарийб 16 миллион тоннага қисқартириш Ўзбекистон — Париж келишуви доирасида иссиқхона гази чиқиндисини 35 фоиз камайтириш бўйича мажбуриятларнинг муддатидан олдин бажарилишига имкон беради.

Бугун иқлим тез ўзгарапти. Бу Ғарбда яшовчилар учун ҳам муаммо туғдирмоқда. Дунёнинг деярли барча қисмида инсонлар иқлим ўзгариши оқибатларини ҳис қилмоқда. Ҳукуматлараро эксперт гуруҳи ҳам Ер илгари ҳисоб-китоб қилинганидан кўра тез исб бораётганини маълум қилди. Айни пайтда дунё бўйича ўртача ҳарорат 1,1 даража кўтарилган. Бу 2040 йилга бориб ўртача ҳарорат 1,5 даражага ошишини билдиради. Ҳозирдан иссиқ тўлқинлар, кучли шамоллар, қурқоқчилик, сув тошқинлари, ёнгинлар янада кўпроқ содир бўла бошлади, музликлар эриши кучаяди.

Мутахассислар яқин йилларда денгиз сатҳи кўтарилишини башорат қилмоқда. “Cloud to Street” компанияси мутахассислари тадқиқотига кўра, XXI аср бошидан буён сув тошқинидан жабр кўрган одамлар сони

24 фоиз ортган. Бу кўрсаткич олимларнинг тахминидан 10 баробар кўп.

Тадқиқотчилар иқлим ўзгаришининг асосий омилни иссиқхона эффекти эканини таъкидлапти. Қуёшдан келган иссиқликнинг Ер сатҳида қилиниб, дилманиб қолиши иссиқхона эффекти дейилади. Яъни Қуёшдан келган нуруни Ер ҳам, ўз навбатида, атмосфера орқали коинотга қайтаради. Ушбу нурунинг бир қисми коинотга чиқиб кетмиш ўрнига одамлар томонидан чиқарилган турли газларга юталади. Нурунинг коинотга қайтмаслиги оқибатида Ер юзи меъёридан ортиқ қизийди ва иқлимга таъсир кўрсатадиган иссиқхона қатлами ҳосил бўлади. Оқибатда бир кеча-кундузда энг юқори ва энг паст ҳарорат орасидаги фарқ камаяди. Одамлар ва табиат тунда ҳам кундуздаги каби иссиқ, дим ҳаво таъсирида қолади.

Иссиқхона эффектини ҳосил қилувчи асосий газ — карбонат ангидрид. У атмосферага ҳам табиий, ҳам сунъий йўл билан қўшилади. Метан, азот оксиди каби ифлос газлар ҳавога инсон омилни тўғрисида чиқиб, бир бутун иссиқхона эффекти даражасини белгилайди. Иссиқхона эффектини ҳосил қилувчи газ концентрациялари ортиси сайёрада табиий иссиқлик мувозанатини бузади. Ҳисоб-китобларга кўра, 2100 йилга бориб иссиқхона эффекти оқибатида глобал ялли ички маҳсулот 20 фоиздан ортиққа пасайиши мумкин. Бундан ташқари, антропоген омиллар таъсири ва қурқоқчилик тўғрисида углерод газини ютувчи ўрмонлар майдони кескин қисқаради. Озон қатлами емирилиб, ёввойи табиат ҳудуди йўқолиш хавфи ошади.

Марказий Осиё иқлим ўзгариши таъсирига қарши курашиш борасида заиф

минтақадир. Жазирама иссиқликнинг жадал тўлқини, қурқоқчилик, кучли ёгингарчилик ва бошқа фавқулодда об-ҳаво ҳодисалари атроф-муҳит, иқтисодиёт ва инсон саломатлиги учун жиддий муаммага айланиши мумкин. Минтақадаги умумий аҳолининг 40 миллионни зилзила, сел ва тошқинларнинг муттасил хавфи остида яшайди.

Иқлим ўзгариши Ўзбекистонда ҳам қатор салбий оқибатларга олиб келяпти. Энг аввало, ҳарорат кўтарилиши тўғрисида сунъини бугунгиш коэфффициенти охиши ҳудудларда сув ресурслари камайишига таъсир

Мутахассислар иқлим ўзгаришининг олдини олиш учун бир қанча тавсиялар берган. Қазиб олинадиган ёқилғидан фойдаланишни камайтириш ва қайта тикланадиган энергия манбаларига ўтиш, энергия самарадорлигини ошириш ва соҳаларни энергия тежовчи технологиялар билан модернизация қилиш ҳамда табиатда яшилликни кўпайтириш, ўрмон ёнгинларининг олдини олиш, дарахтзорларни кўпайтириш шулар жумласидан. Шунингдек, экологик тоза қишлоқ ҳўжалигига ўтиш, тўпроқ таркибидаги органик моддаларни сақлаб қолиш, экологик тежамкор



қилмоқда. Экологик танглик оқибатида йил давомида умуман ёгингарчилик бўлмаган қунар сони ошяпти. Тўпроқнинг намлиги камайиши ҳисобида тақрорий қурқоқчилик хавфи ортиб, ҳосилдорлик кўрсаткичи тушиб кетмоқда. Шунингдек, Орол денгизига қуйиладиган сув ҳажми камайиши дарё дельтасининг чўлга айланиши ва қуриган денгиз тубида янги чўл майдонлари пайдо бўлишини тезлаштиряпти. Шу билан бирга, атмосферада чангланмиш ортмиш, иссиҳ ва совиш каби аномал ҳодисалар ўзгариши қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ва меваларнинг нобуд бўлишига олиб келмоқда.

транспорт турларидан фойдаланишга ўтиш ҳам долзарб тавсиявий аҳамият касб этади.

Жорий йилнинг юртимизда Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили деб эълон қилинган барқарор ривожланишини таъминлаш ва экологик тоза келажак сари интилишимизни яна бир бор намоён этади. Биз учун сўзсиз устувор йўналиш Марказий Осиёда “яшил” кун тартибининг илгари суришидир.

Самарқанд саммити доирасида Ўзбекистон “яшил” ривожланиш бўйича минтақавий концепция лойиҳасини илгари суриб, бунда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш



Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

“WBM Romitex” кластерининг Андижон шаҳрида қурилган янги корхонаси. Бу ахир янги иш ўринлари, янги маҳсулотлар ўзлаштирилиши, ишлаб чиқариш ҳажми, экспорт билан боғлиқ иқтисодий йўналиш-ку, “яшил” ривожланишга қандай алоқаси бор, дейишга шояд қийин. Гап шундаки, бу ерда Италиядан келтирилган замонавий сув тозалаш иншооти барпо этилган. Унда бўёқ цехидан чиққан техник сув тозаланиб, қайта фойдаланишга йўналтирилади. Бу бир томондан тежамкорлик, бошқа томондан эса экологик барқарорликни таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Демак, бундан бу ёғига янги корхоналарни ташкил этишда лойиҳага фақатгина иқтисодий самараси томонидан эмас, балки экологик аҳамияти нуктаи назардан ҳам эътибор қаратилади.

Яна бир манзил — Бобур шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” боғи. Табиат ўпкаси дея таърифланувчи дарахтзорлар, хусусан, ўн минг гундан ортиқ манзарали дарахт кўчати, бута ва гуллардан иборат 19 гектарли ушбу боғнинг аҳамияти, мавзумизга алоқадорлигига ортиқча тўхталашга зарурат йўқ, назаримда.

Шунингдек, таширф давомида тақдим этилган лойиҳалардан библии мумкинлики, вилоят саноатида “яшил” ёндашув устувор йўналишга айланиб бормоқда. Масалан, ҳудудда 2025 йилгача 65 мегаватт қувватга эга қайта тикланадиган энергия манбалари ишга туширилиши режалаштириляпти.

Андижонга таширфнинг мазкур жиҳатларидан келиб чиқиб, янги Ўзбекистоннинг “яшил” тараққийёт борасидаги сиёсати қатъий, қадамлари дадил ва ортга қайтмас эканини юракдан ҳис этасиз. Кунчиқар вилоятдаги ўзгаришлар мамлакатимизда “яшил” энергетикани ривожлантириш бўйича кўзланган мақсадлар шунчаки катта марралар эмас, балки режадан алақачон реализмга кўчаётган тарихий воқеликдан сўзлайди.

Президентимиз таширф доирасида бу муҳим масалага яна бир бор алоҳида эътибор қаратди. Избоскан туманида тадбиркор томонидан 10 миллион доллар инвестиция ҳисобига қурилган 3,2 мегаваттлик кичик ГЭС йилга 8 миллион киловатт-соат электр бераётгани, бу туман аҳолиси истеъмолининг 20 фоизини муқобил электр энергияси билан таъминлаётгани таъкидланди. Ушбу намуна-ли лойиҳа вилоятнинг сув оқими юқори ариқ ва каналларида жорий этилса, 75 мегаватт қувватга эга кичик ва микро ГЭСлар қуриш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди.

Дарҳақиқат, бугун кутиб, иккиланиб ўтирадиган замон эмас, кичик бўлса-да, мавжуд имкониятларни ишга соладиган пайт. Айтайлик, анъанавий тушунчага кўра, Андижонда географик нуктаи назардан ГЭС қуриш имконсиздек, чунки унга йирик дарёларнинг шиддатли оқими керак. Лекин бугун бу айта-нимиздек, бугун катта ё кичик бўлсин, ҳар бир имкониятдан фойдаланиш фурсати. Шу жумладан, вилоятдаги сув оқими юқори ариқ ва каналларда кичик ва микро ГЭСлар қуриш вақти.

Айни йўналишдаги лойиҳаларга вилоят учун 40 миллион доллар ажратилиши белгиланди. Бу маблағ тадбиркорларга 3 йил имтиёзли давр билан 7 йилга, 12 фоз ставкада берилиди. Маҳаллий компонентни ривожлантириш учун август ойида хитойлик инвесторлар билан микро ГЭС агрегатлари ишлаб чиқарилади.

Вилоят ҳокимлигига бу йил қуввати 24 мегаватт, кейинги йил яна 20 мегаваттлик 763 та кичик ва микро ГЭСни ишга тушириш чораларини кўриш топширилди. Бу лойиҳалар ишга тушса, 38 минг хонадон узлуксиз электр энергияси билан таъминланади, вилоятнинг электр импорти 10 фоз қисқаради. “Ўзбекгидроэнерго” АЖ Хитойнинг соҳада 60 йиллик таърибага эга бўлган “Zhejiang Jinlun Electromechanic Co., Ltd.” компанияси билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйган.

Таширф доирасида Президентимиз ҳудудда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни режалаштираётган хорижий компаниялар вакиллари билан учрашди. Мазкур компаниянинг Андижон вилояти гидроэнергетика салоҳиятини юксалтириш борасидаги таклифлари билан танишди.

“Zhejiang Jinlun Electromechanic Co., Ltd.” компанияси билан ҳамкорлик доирасида Тошкент вилоятининг Ўстонлик туманида барпо этилган “UzHydroPower” ҚК томонидан қуввати 40 мегаваттгача бўлган гидроагрегатлар “Made in Uzbekistan” миллий бренди асосида ишлаб чиқарилмоқда.

Ушбу амалий ҳамкорлик доирасида юқори инновацион технологик қурилмаларнинг мамлакатимиз гидроэнергетика соҳасида илк бор ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Бу эса, ўз навбатида, истиқболда молиявий сарф-харажатларни иқтисод қилиш, сифатли ва замонавий стандартларга асосланган агрегатлар ишлаб чиқарилишини ўзлаштиришга хизмат қилади.

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ мазкур компания билан ҳамкорликда ташкил қилган “UzHydroPower” қўшма корхонасида ҳар бир лойиҳа учун индивидуал ва эксклюзив бўлган гидроагрегатлар лойиҳалаштирилади.

Асосийси, бу ерда нафақат республикамизнинг гидроэнергетика соҳаси, балки энди қўшни Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон ва бошқа давлатлар учун ҳам гидроагрегатлар етказиб берилади. Натижада ҳудудларимиз бўйлаб кичик ва микро ГЭСлар қурилишида маҳаллийлаштириш доирасида ишлаб чиқарилаётган гидроагрегат ва асбоб-ускуналардан фойдаланилади, бу, ўз навбатида, Ўзбекистон гидроэнергетик салоҳиятини юксалтиришга муҳим ҳисса қўшади.

Гап қайта тикланувчи манбалар имкониятидан самарали фойдаланиш ҳақида борар экан, маиший чиқиндилдан электр энергияси ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масаласига тўхталмасликнинг иложи йўқ. Чунки бу йўл орқали бир вақтинчи ўзида иккита масала ҳал бўлади. Биринчиси, қатор экологик муаммолар илдири саналган чиқинди фойдаланмошга айланади, иккинчиси, ўша



хомашё орқали экологик тоза электр энергияси олинади.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, бир йилда хонадонларда 2 миллиард тоннадан ортиқ маиший чиқинди ҳосил бўлади. Ўзбекистонда ҳам ушбу кўрсаткич кам эмас, йилга 14 миллион тоннадан ошадди.

Агар мамлакатимиз аҳолиси ҳар йили 1,5 фоз ўсиб бораётганини ҳисобга олсак, бу кўрсаткич 2030 йилга бориб 18 миллион тоннадан ортиқни ташкил этиши аёнлашади. Бу рақамлар фақат маиший чиқиндига тегишли. Бугун 100 дан ортиқ полигонда иккиламчи хомашё сифатида 3,5 миллиард тонна саноат чиқиндилни ҳам сақлаб келинмоқда.

Дунё миқёсида чиқиндиллар муаммоси энг долзарб экологик масалалардан бирига айланиб улгурди. Бугун кўпчилигимизни хонадонимиз, иш жойимиз, ўқиб ва дам олиш масканларидан чиқаётган маиший чиқиндилар қаерга кетаётгани ташвишлантириши табиий. Орамизда маиший чиқиндиллар нима ва улар қаерга кетади деб савол берувчилар ҳам топилади, албатта.

Одамларнинг ҳар кунлик фаолияти натижасида ҳосил бўлувчи органик ва ноорганик чиқиндиллар, шунингдек, ҳудудларда ва ободонлаштириш объектларидаги табиий жараёнлар натижасида ҳосил бўлувчи чиқиндилар (озиқ-овқат ва ўсимлик чиқиндиллари, тўқимачилик маҳсулотлари, ўраш-жойлаш (қадоқлаш) материаллари, шийа, резина, қоғоз, пластмасса, ёғоч чиқиндилари, ўзининг



фойдаланиш хусусиятларини йўқотган уй-рўзгор буюмлари) маиший чиқиндиллардир. Маиший чиқиндилар эса, ўз навбатида, чиқинди полигонларига олиб кетилади.

Маълумотга кўра, мамлакатимизда ҳосил бўладиган чиқиндилларнинг атиги 4-5 фоизи қайта ишланади. Чиқинди полигонларидан 7 миллион тоннадан зиёд иссиқхона газини атмосферага чиқади, 43 минг тонна захарли филтрат ер остига сингади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида бу борада қатор чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, чиқиндиларни турларига қараб саралашни йўлга қўйиш, аҳолига чиқиндиллар бўйича хизмат кўрсатиш қамрови,



Бугун кутиб, иккиланиб ўтирадиган замон эмас, кичик бўлса-да, мавжуд имкониятларни ишга соладиган пайт. Айтайлик, анъанавий тушунчага кўра, Андижонда географик нуктаи назардан ГЭС қуриш имконсиздек, чунки унга йирик дарёларнинг шиддатли оқими керак. Лекин бугун бу каби ёндашув ўзини оқламайди. Чунки боя айтганимиздек, бугун катта ё кичик бўлсин, ҳар бир имкониятдан фойдаланиш фурсати. Шу жумладан, вилоятдаги сув оқими юқори ариқ ва каналларда кичик ва микро ГЭСлар қуриш вақти.

чиқинди йиғиш шохобчалари ва контейнерлари билан таъминланиш ҳолати ва хизмат кўрсатиш сифати даражасини яхшилаш шулар жумласидан.

Айни мақсадда экологик вазиятни барқарорлаштириш, бунда чиқиндиларни қайта ишлаб, муқобил энергия олиш чоралари кўрилади. Чунки чиқиндиллар тўғри тўпланиб, кўпроқ қайта ишланса, экологик мувозанат яхшиланади, табиат тоза бўлади, жамиятда табиатга доир қарашлар, муносабат ўзгаради.

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, ҳудудларнинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш соҳасида изчил сиёсат юритилмоқда. Бу борада қатор ҳуқуқий-меъриий

Инвестор ва лойиҳа компаниялари 2025-2027 йилларда Наманган ва Фарғона вилоятларининг ҳар бирида 141,5 миллион долларлик тўғридан тўғри инвестиция жалб этган ҳолда кунига 1,5 минг тонна чиқиндини термик усулда қайта ишлаш орқали 227,5 миллион киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларини барпо этади.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



ҳужжатлар қабул қилинди ва изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, бугун соҳада муаммолар етарли. Улар орасида қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Республикадаги чиқиндиларни йиғиш, саралаш, бошқариш ва қайта ишлаш тизими имкониятлари чиқинди ҳосил бўлиш суръатларидан ортда қолмоқда.

Чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги инфратузилма, хусусан, транспорт воситалари, ускуналар, логистика занжирларини янада тасомиллаштириш зарур. Белгиланмаган жойларга чиқинди ташламаслик, юридик ва жисмоний шахслар томонидан чиқиндиларни саралашни йўлга қўйиш, бу борада аҳолининг хабардорлиги ва маданиятини ошириш бугуннинг долзарб масалалари сирасидан.

Ҳаёт бор жойда, албатта, чиқинди бўлади. Шунинг учун ҳам экологик барқарорликни таъминлашда маиший чиқиндиларни қайта ишлашдан манфаатдоримиз. Бу дунё таърибасида ҳам ўз исботини топган.

Президентимизнинг 2022 йил 2 декабрдаги “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, 2030 йилга бориб маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 65 фоизга етказиш мақсад қилинган.

Бундан ташқари, 2020-2023 йилларда 47 та маиший чиқинди полигони рекултивация қилиниб, фаолияти тўхтатилган ва ҳудуддаги маҳаллий ҳокимлик ер захира-ларига топширилган. Ушбу полигонлардан атмосферага йилга 400 минг тонна иссиқхона газини ва ер остига 43 минг тонна зарарли сизот сув чиқарилган. Ачинарлиси, 300 дан ортиқ саноат ва маиший чиқинди полигони мамлакатимизнинг 12 минг гектар ер майдонини эгаллаб келмоқда.

Олдин чиқиндиларни бошқариш давлат бюджетидан амалга ошириладиган коммунал хизмат ҳисобланарди. Сўнгги йилларда бу соҳа бозор механизмига ўтказилди. Президентимизнинг 10 га яқин фармон ва қарори қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари чиқиндиларни қайта ишлашни ташкил этиш бўйича жорий йил 24 март кунини ушбу муҳим қарорни имзолади. Мазкур ҳужжатлар ҳудудларда экологик вазиятни яхшилаш, чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасига замонавий ечим ва технологияларни жорий этиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш ҳамда соҳага тўғридан тўғри инвестицияларни жалб этиш мақсадларига хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Биринчиси, “Тошкент шаҳри, Тошкент ва Андижон вилоятларида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда қайд этилишича, тўғридан тўғри музокара-лар натижасида қатор инвесторлар билан инвестиция шартномалари имзоланган. Унга кўра, инвестор ва лойиҳа компаниялари 2025-2027 йилларда Тошкент вилоятда 240 миллион доллар миқдорда тўғридан тўғри инвестиция жалб этган ҳолда кунига 2,5 минг тонна чиқиндини термик усулда қайта ишлаш орқали 390 миллион



киловатт электр энергияси ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Андижон вилоятида эса 110 миллион доллар миқдорда тўғридан тўғри инвестиция жалб этилиб, кунига 1,5 минг тонна чиқинди термик қайта ишланган ва

шу орқали 240 миллион киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга ускуналар ишга туширилиши таъминланади.

— Айни пайтда бу борада ҳудудларда ер майдонларини ажратиш, чиқиндиларни ёқиш ёки қайта ишлаш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт тармоқ-ларига улаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланиб, амалга оширилмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Азизбек Акбаров. — Бу лойиҳалар ишга тушган, тегишли ҳудудларда маиший, қаттиқ чиқиндилар ташланадиган полигонлар сони кескин қисқартирилади ҳамда бу жойларда экосаноат зоналари ташкил этилади. Бундан кўзланган мақсад мавжуд чиқинди ташлаш полигонларининг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш.

Иккинчиси, “Наманган ва Фарғона вилоятларида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор эса айни йўналишдаги ишларни Наманган ва Фарғона вилоятларида амалга оширишни назарда тутди.

Хусусан, инвестор ва лойиҳа компаниялари 2025-2027 йилларда Наманган ва Фарғона вилоятларининг ҳар бирида 141,5 миллион долларлик тўғридан тўғри инвестиция жалб этган ҳолда кунига 1,5 минг тонна чиқиндини термик усулда қайта ишлаш орқали 227,5 миллион киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларини барпо этади.

Учинчиси, “Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор.

Унга кўра, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида 2025-2027 йиллар мобай-нида ҳар бирида 150 миллион долларлик тўғридан тўғри инвестиция ҳисобига кунига 1,5 минг тонна чиқиндини қайта ишлаш йўлга қўйилиб, 240 миллион киловаттдан электр энергияси ишлаб чиқариш таъминланади.

— Қаттиқ маиший чиқиндиларни айни пайтда махсус транспорт воситалари орқали тўғридан тўғри чиқинди полигонларига, яъни зарарсизлантирилмаган ҳолда олиб борилиши атроф-муҳитга катта зарар етказмоқда, — дейди А.Акабаров. — Бундан бўён полигонларга чиқиндилар тўғридан тўғри олиб борилмади. Эндиликда чиқинди бевосита қайта ишлаш корхона-ларига етказилади ва у ерда сараланиб, қайта ишланадигани иккиламчи хомашёга, қайта ишланмайдигани электр энергияси ишлаб чиқариш учун ишлатилади. Яъни ушбу замонавий корхоналарда ноль чиқинди тамо-йли амал қилади. Содда қилиб айтганда, бу ерда сув, атмосферага, умуман, ташлан-малар бўлмади.

Қарорларда томонларнинг мажбурият ва имтиёзлари ҳам белгиланган. Электр энергиясини сотиб олиш ва қаттиқ маиший чиқиндиларни етказиб бериш тўғрисидаги битимларга мувофиқ, бу компаниялар ишлаб чиқарилган электр энергиясини 30 йил давомида “Ўзэнергосетиш” АЖга ка-фолатланган тарзда сотади. Улар лойиҳа-лар доирасида электр станциясини ягона электр тармоғига улаш учун ҳаво электр узатиш тармоқларини қуради ҳамда ишга туширилгандан сўнг уларни “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖга топши-ради.

“Ўзэнергосетиш” АЖ 30 йил давомида электр энергиясини кафолатланган тарзда со-тиб олади ва миллий валютата тўлов қилади. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқти-содиётни ривожлантириш агентлиги лойиҳа компанияларига 30 йил давомида қаттиқ маи-ший чиқиндиларни кафолатланган ҳажмда етказиб беради.

Ҳужжатларда лойиҳаларни амалга оши-ришни жадаллаштириш чора-тадбирлари, қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат қилиш бўйича ҳам вазифалар белги-ланган.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу ҳужжатлар ҳудудларда экологик вазиятни яхшилаш, чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасига замонавий ечим ва технологияларни жорий этиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш ҳамда соҳага тўғридан тўғри инвестициялар-ни жалб этиш қўламини кенгайтиришга хиз-мат қилади.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Бошланиши 1-бетда

Азалдан шундай, бир дақиқадан кейин нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Битта нарсани равиши синондан иборат. Аслида, ҳар сония синову имтиҳон. Дилоромнинг оиласини нима кутаётган эди? Бахтлар, бахтсизликлар, кундуздан кейин қоронғи тун, саодату жасоратлар...

Осмон топ-тоза, қора булут йўқ эди. Бироқ момақалдирок гумбуралиди. Оилани ҳам, оламни ҳам титратди. Ҳаммаси тўсатдан рўй берди. Дилоромнинг қўли қўлига тегмайди. Оилам деб, болаларим деб елиб-югуради. Жонини аямайди.

Далага етиб борганида комбайн келаятган экан. Тўхтади. Комбайндаги маккани ўриб, синдириб, майдалаб, комига тортадиган “гирдибод” айлана тўхтагани йўқ. Тишлари аждаҳо тишдай — мисли чархи фалак. Ҳамма нарсани ютиб юборадигандай.

Дилором опанинг оёғи остида бир боғ макка ётибди. Чархи фалак уни ололмаса, комбайн гилдираклари шундай ям-яшил маккажўхорини босиб, яқсон этиб, тупроққа қориб йўқ қилди. Опа шу бир боғ маккажўхорини олиб, комбайн паррагига ташладиди ортга қайрилди. Сониянинг мингдан бир лаҳзасига улгурмади. Кийимининг учи “аждаҳо”нинг тишига қадалди.

“Аждаҳо” ямлаётти. Бир боғ макка, унда этганининг учи тортиляпти, ютиляпти. Темирда шафқат йўқ. Чархи фалак аямайди. Дилором опа бор кучи билан, жон-жаҳди билан “аждаҳо” тишидан “жонини қолиб”, узиб олмоқ учун, ҳаётини сақлаб қолиш учун тортиди. Йўқ, кучи етмади. Бутун вужуди билан “аждаҳо”нинг оғзига борапти. Ажал гўё “аждаҳо” тишларида.

Ғайришуурий бир тарзда халатни устидан олиб, эғиддан тушириб, отишга уринди. Лекин сўнгги тугмани ечишга улгуролмади. Халати баробарида оёғи “аждаҳо” тишида қолди...

Ҳаётни ким тушуниб етган? Ҳеч ким. Казо-казо алломоа файласуфлар ҳам ҳаёт эврилишлари рўпарасида сукутга чўмган. Тақдирми, қисматми, ғойибона олдидан ёзилган ёзиқми? Бу саволга жавоб беришга киши ожиз. Инсон бир лаҳза олдин боғнинг гули, бир лаҳза кейин қисматнинг қўли.

Кексалар “Бундай қаро бало қаерда кутиб турганидир?” дея юрагидан ўтказди. Минг бир балодан ўтган ёши улуглар ҳам шундай дамба оғир ўйда қолади. Ҳаёт китобини ўқийвериб, тушунавериб доғишманда бўлганлар ҳам сўз тополмайди. “Эй дунё, сени англаб бўладими, сўнгсиз тилсиммисан, нимасан ўзи?” деб кўнгилларини азобнинг изтиробиди тутди.

Куйинчак кўнгилни қаранг, куйинчак кўнгилни. Бир боғ маккажўхори кас-хазон бўлиб, тупроққа қориб кетса нима бўларди?.. Дунё дунё бўлмай қолармиди? Бир боғ хашак инсон умиддан азизми? Эй ўзбекининг жафокаш аёли, кўнглининг фидойилиги бунча чексиз! Ёки қисматнинг йўриғи бунча шаксиз...

Тақдимот

Таржима миллатлар орасида бевосита маънавий алоқа ўрнатиш воситасидир. Боиси, у маданий бойликлар, кишиларнинг асрий орзу-армонлари, тутумлари, ғояси ва қарашлари мужассам асарларни ўзига тили халққа етказди. Бадиий, тарихий матнларни таржима қилиш, аиниқса, қийин жараён. Сабаби бунинг учун асл нусханинг мазмуни, муҳити, ўзига хос хусусиятларини шундай англаш ва етказиш лозимки, ўқувчи муаллифнинг руҳий кайфияти ва унга бўлган муносабатини тушуна олиши керак. Қолаверса, бадиий таржима стандарт ёдланган техникани рад этади, ҳар бир сатр ўзига хос ёндашувга муҳтож бўлади. Бунда кўп нарсаси, табиийки, таржимоннинг ўзига боғлиқ. Одамлар бир хил фикрни турли йўллар билан таржима қилиши мумкин, аммо таржимон ўз ғояларини таржимада акс эттиришга ҳақли эмас, чунки асл матннинг “характери” сақланиши зарур.

Дилором опа темир “аждаҳо” оғзида экан, фарёдидан нарироқдаги комбайнчи югурди. Опа ҳушидан кетди. Комбайнчи етиб келиб, “гирдибод”ни тўхтатди. Лекин...

Опа ҳушсизми, жонсизми, бир ҳолда шифохонага олиб келинди. Тиббий амалиёт қарийб беш соат давом этди. Бир оёқ комбайн олдида қолиб кетган. Иккинчи оёқнинг аҳволи... Шифокор эртасига бир имога маҳтал бўлиб турган беморнинг турмуш ўртоғи ва онасига юзланди.

— Сиз онаси, сиз турмуш ўртоғисиз. Менга ҳам, сизга ҳам оғир. Қўриб турибсиз, яшаб қолиши учун... — у жим қолди. Сўзи бўзига тикилди. Сукунат давом этарди...

— Айтинг, айтинг, — деди баравар иккиси. — Иродаси кучли аёл экан. У яшаши керак. Лекин тирик қолиши сизларга ҳам боғлиқ, — шифокор ютиниб олди. — Яшаши учун иккинчи оёқни ҳам кесамиз. Бўлмаса, гангрена келиб чиқади... Нима дейсизлар?

Икки кун илгари шиддат билан далага югурган Дилором энди икки оёқсиз, кўзлари жавдирайди. Инсонни юраги инсон қилиб туради. Юраги уряпти-ку... “Турс-гурс!”

Ким қандай ўйлайди? Оғир, жуда оғир. Қисматдан ким қочиб қутулади? Борми дунёда тақдирни тан олмаган жон? Ўйларнинг азобланиши. Юракнинг эзлиши. Ботиний йиғилар. Ўқинчу тушқунликлар. Қайгу қоронғилигидан чиқа олганлар борми? Тубсиз зиндонлардан нурга етса бўлар, бироқ бу фожиадан ёруғликка эришиш осон эмас.

Ҳаёт фожалари минг турли. Тақдир гирдобларида неча-неча жонлар ночору иложсиз. Ўзини йўқотганлар, тушқунликда мағлублар,



Дилоромнинг кўнгли ўсди. Иккиланган эди-да. Тиксам сотиладимикан, тикканимга элнинг кўнгли тўлармикан, дея. Ана мўъжизаю мана мўъжиза. Ўзининг маҳалласидигилар тикиш ишлари учун шаҳарга бормай қўйди. Шаҳарда ҳам Дилором опадай тикувчи йўқ.

керасиз вужудга айланганлар, барчасидан умид узганлар...

Лекин Дилором кўрқмади. Умидини узмади. Йўл қидирди. “Топмасдан қўяманми? — деди ўзига ўзи. — Ҳеч кимга юк бўлмайман. Элнинг юкини кўтараман. Юрагим кучли. Кўзларим чарақлапти, қўлларим нозиг-у, аммо забардаст, ақлим, фикрим зўр. Нима қилсам экан?”

У талпинишдан, фикрлашдан, йўл излашдан тўхтамади. Унга Нукусдан, паралимпиячилардан хушхабар келди: “Сиз волейбол

мусобақасига қатнашасиз. Сиз билан биз голиб бўламиз”, дейилганди хабарда.

У қарор қилди: — Бораман!

Маҳалланинг улуг момоси буни эшитиб, келиб, Дилором опага сўз айтди:

— Дилоромжон, яна бир йўлаб кўр. Ўйин — ўйин, жуда қалтис иш. Сен бизга кераксан. Оиланг, болаларинг бор. Юрагимда бир сўз олиб келдим сенга. Айтганимни қилсанг, пешонанг ярақлайди. Оёғи борлар етолмаган улугликка етасан.

— Айтинг, Пошша хола, айтинг.

— Дилоромжон, “Игнанинг ишини қилич қилолмас”. Бунинг Термизий бобо айтган. Сен тикувчилик қилгин, тикувчилик!

Дилором опанинг юрагига ноҳақон тонг отди. Дунёси ёришди. Қалби ҳаяжонга тўлди. Эл ҳаммиси донишманд. Билиб айтди, тушуниб сўзлайди.

У аввалдан тикувчиликка жонини берарди. Ўзбек аёли тикувчи, азал-азалдан каштадўз. Дунёни бутламोक қонида бор. Момоларимиз игнанинг кўзидан қўёшини ўтказган. Етти минг рангни игнанинг учиди тутишган, оппоқ палакларга нақши нигор тўқишган. Қандай қилиб қойил қолмайсиз? Термизийнинг “Игнанинг ишини қилич қилолмас”, деган фикрини дилларида асраб, тилларида сақлаган.

Кўнгли билан қарасангиз, вақтнинг ўзи буюк тикувчи. Олам либоси ҳам вақт толасию ришталаридан. У чархнинг фалагидан ҳаёт палакларини яратди. Нуруни нурга, ипини игпа улайди. Тикаверида, тўқийверида, яратаверида. Вужудларини кийинтиради, суюнтиради, гўзалликка буркайди... Вақт ҳатто кафан бичади... Қилич билан қўйлак тикиб бўладими? Дунёдаги барча қўйлақлару либосларни тикувчилар тиккан ахир.

Қизлар иш излаб юрмайди. Маҳалладошларига дилини очди. Шу тариқа тўртта тикув машинасида 15 қизу аёлга ҳунар ўргатишга киришди. Зеро, “Хунарни асрабон неткумдир охир, олиб туфроққа кеткумдир охир”, деганди Навоий Ҳазратлари. Қизлар икки ойда моҳир тикувчига айланди. Ўрганганлар 50 нафардан ошди. Улар Дилоромнинг қўлида ишлайди. Хурсандчиликлари оламга сиғмайди. Устоз ўз шогирдлари бағрида.

Бахт тоғдан ошиб келмайди. Бахт инсоннинг ўзида, қалбида, интилишида, тадбиркорлигида. Боқиманда бўлиб, бировнинг қўлига, бошқалар йўлига қараб ўтириш — даҳшат. Дилором опа боқимандаликни ёқтирмайди. Меҳнату заҳматнинг йўли баракали. Бировнинг пули — миннатли. Ишлайман деганга иш кўп, насиба мўл. Дангаса баҳона топади.

Дилором опа билан суҳбатлашамиз-у, ўйга чулганамиз. Бу инсоннинг биринчи гуруҳ ногирони бўлгани ҳолда бутун ҳаётини меҳнатга бахшида этиши, ишламай туролмаслиги, заҳматдан фароғат топиши ўзи эмас. Ризқни ҳалол ва адолатли топиши, боқимандаликдан узоқлашгани, оилага меҳнати билан мадад бериши ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Аравачада тadbиркорликни йўлга қўйгани, элдошларини иш билан таъминлагани эса тенгсиз ҳайрат ва юксак ҳурматга муносиб!

Унинг дунёдаги 100 нафар матонатли аёл сафида эътироф этилгани ҳам шундан. Дунёнинг-а! Моҳият қаерда? Бу мўъжиза қаердан куч олапти? Аввало, ўзини англаганиликда. “Ҳар не истарсан, ўзингда ҳам эрур”, дейди мавлоно Румий Ҳазратлари.

Ган оилада, оиланинг ўзбекона улуглигида. Дилором бир кун турмуш ўртоғига фикрини айтиди:

— Ўзимдан кўра сизни кўп ўйлапман. Пешонамда бор экан. Нима қилай, мен тушунаман... Сиз бир яхши аёлга уйланинг, — деди Дилором опа ва жим қолди. Ўзини қаттиқ ушлади. — Майли... мен ҳам уйинг бир четиди яшаб тураман.

Жуфти ҳалолли Дилмурод Пардаев тракторчи, инсонийлиги бундай олишга арзигулик: — Дилором, мен иборат қилолмайман, — деди у. — Номадрлик бўлади. Болаларни ўқитамиз, қўша қариймиз.

Дилором опа юрагидидаги чексиз меҳр билан эрига қаради. Шундай лаҳзаларда Абдулла Ориповнинг “Ҳали мард йигитлар яшаб юрибди” мисралари дилнингиздан ўтади.

Мард инсонлар борки, ҳаёт абадий, дунё мустақкам. Қўёш айланаверида, тонглар отаверида...

Ярим жони билан бутун-бутун орзулари бор Дилором опанинг. Тикувчиликни кенг йўлга қўймоқчи. Катта ўғли Жалолиддин Раҳмониев чорвага қизикади — чорва фермери бўлмоқчи. Юртининг юкини кўтарадиган фермер. Зеро, эл ободлиги барака ва саховатда.

Пок ниятлари зилол булоқдай қайнаётган Дилором опанинг жисму жониди, руҳи равониди, ақлу заковатида, фитрату фикиратиди жонқуярлик, элпарварлик, улуглик ва матонат бор! Бу фазилатлар ҳар қандай инсонга эъзоз ва эҳтиром, куч-қудрат, бахту саодат тўхфа этиши шубҳасиз.

Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси



Dilorom Yuldosheva, Uzbekistan
Seamstress and businesswoman
Two years ago, Dilorom Yuldosheva lost both legs in a harvesting accident. But that did not stop her from dreaming big.

“ПАЛАНГАЛИК ҚОЧҚИН АЁЛ ХОТИРАЛАРИ” — ТУРКИСТОН ҲАЁТИНИНГ БЕБАҲО СОЛНОМАСИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Турсунали Қўзиев томонидан маҳорат қочқин ўзбек тилига ўтирилган “Палангалик қочқин аёл хотиралари” асари тақдимоти таржима жараёнининг машаққатли жиҳатлари, миллат солномасига айланган асарнинг таъсири ҳақидаги ва бошқа манфаатли нуқталар билан кўтаринки руҳда кечди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ушбу китобнинг мазмун-моҳияти, қадр-қиммати, Туркистондаги жаҳидчилик, маърифатпарварлик ҳаракати, унинг машҳур намоёндалари фаолияти, миллий жаҳидларимизнинг қўшни давлатлар билан илмий-маърифий алоқалари ҳақида фойдали маълумотлар берди.

— Литвалик шифокор, олим ва жамоат арбоби Людас Вайнейкис тақдир тақозоси билан рафиқаси — хотиранавис адиба Стасе Вайнейкене билан бирга 1914 йилда Туркистон ўлкасига келиб қолади. Доктор ўз ватанида “knygnesys”, яъни “китоб тарқатувчилар” ҳаракатига раҳбарлик қилди ва айнан шу ҳолат унинг Туркистон бўйлаб сафар қилишига сабаб бўлади, — дейди профессор Турсунали Қўзиев. — Биласизми, “knygnesys” сўзини дунёдаги бирор тилга сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайди. У бутун моҳияти билан Литванинг озолик



рамзи, унга фақат Литва халқигина эгалик қилиши мумкин. “Knygnesys” халқ ҳаракати вакиллари Литвада ўз она тилини асраш учун курашган. Унинг сафи миллий ўзлиқни ҳимоя қилиш учун оёққа турган, она тили ва миллий ёзувини сақлаб қолиш учун ҳар қуни

ўлим хавфи билан яшаган ватанларварлар қўшинидан иборат бўлган. Таъбир жоиз бўлса, бу фидойи инсонлар литвалик жаҳидлар эди. Бу кураш нақ қирқ йил — 1864 йилдан 1904 йилгача давом этди. Китобда ўша даврда юз берган фожиали воқеалар, жумладан, Туркистон халқи бошига тушган даҳшатли қунолар, очарчилик, мустамлака зулми ўз аксини топган. Асарда, шунингдек, дарбадарликда Вайнейкислар оиласига ҳамроҳ бўлган ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз, тожик ва рус миллатига мансуб кишилар ҳаёти ҳақида ҳам ҳикоя қилинади.

Муаллиф ўз хотираларида воқеа-ҳодисаларни ҳаққоний тасвирлайди, уларга ўзининг шафқатсиз баҳосини беради. Унинг ёдномалари туфайли биз ўлка иқтисодиёти, сиёсий ҳаётининг ўзига хос жиҳатлари, Россия империяси ва турли халқ вакиллари, жумладан, Болтиқбўйи халқларининг тақдир тақозоси билан Туркистонга келиб қолган вакиллари, немислар, чехлар, австрияликлар, яҳудийлар, полякларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисида маълумотга эга бўламиз.

Ўзи тугулиб ўсган она шаҳридаги кўчалардан бирига Людас Вайнейкис номи берилган. Миннатдор авлодлар эса унга ҳайкалтарош Ионас Янкус томонидан яратилган ҳайкални ўрнатган.

Қисқа қилиб айтганда, Литва тилида яратилган, китобхон эътиборига ўзбек ва рус тилларида тақдим этилган “Палангалик қочқин аёл хотиралари” китобини бундан юз йил аввалги Туркистонимиз ҳаётининг бебаҳо солномаси дейиш мумкин.

Тадбир давомида Паланга шаҳри жамоат кутубхонаси директори Рудис Кестутис онлайн тарзда фикр билдирар экан, таржимонлик асарлардан буён дунё халқлари тарихи ва маданиятида шаклланиб келаятган кўхна ижодий фаолият экани ҳамда у орқали инсоният қавмлари бир-биридан хабардор бўлгани, қулай ва хатарсиз ҳаёт кечирини бир-биридан ўрганиши, бир-биридан улги олганини алоҳида таъкидлади.

— Бир пайтлар қавмлар ўртасида муомала-муносабатларнинг меъёрлари, иттифоқлари, битимлари, шартномалари, халқларнинг ўзаро аҳду паймонлари билимдон таржимонлар — тилмочлар орқали қилиб берилган. Тилмочлар ишларининг ўзаро мувофиқ, адолатли битиши ва халқларнинг тотувлигига хизмат қилган. Улар инсоният қавмларини турли жаҳолат бало-офатлари, беҳуда қиргинлардан сақлашга ҳаракат қилган, — дейди таржимон Ахрор Абдуманнон. — Ҳа, тилмоч ҳамма вақт ўз даври маданиятининг олдинги қаторларида борган. Шу тариқа таржимонлик инсоният яратган

соҳалар ичида бебаҳо, қадрли, олижаноб ва илгор фаолият турига айланди, таржимонлар халқларнинг бир-бирини билиш ва ўрганишига тенгсиз ҳисса қўшди. Биринчи тарихчилар, география, геодезия билан шуғулланувчи кишилар ҳам таржимонлар ичидан етишиб чиқди.

Таржимонлар нафақат асосий ғояни етказиш, балки асл муҳитини, шунингдек, ҳис қилинган туйғулар, кечилган кечинмаларни тақроллаш зарур бўлган асарларга дуч келганларида энг катта қийинчиликларни бошдан кечиради. Устоз таржимон Турсунали Қўзиев мана шу бир миллат оғрини, кечимишини қайтадан ўзида ҳис қилиб, сўнг китобхоналарга узатди.

Айни ижтимоий ҳақиқатни ёритаётган икки тил бир-биридан фарқланади. Турли жамиятларда яшовчи кишилар дунёга ўзига қулай тарзда нигоҳ ташлайди. Профессор Турсунали Қўзиев эса мана шу нигоҳларнинг умумийлигини топа билган — турли элларнинг маданий, руҳий занжирини боғлай олган. “Палангалик қочқин аёл хотиралари” эса китобхонлар учун тарихий, маданий ёдномасифатида яна узоқ йиллар хизмат қилди.

Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

